

## УДК 82.09(575.146) Чулпон

**Cho'lpon Buxoroga nega ketdi?**

**Аннотация:** Ушбу мақолада Чўлпоннинг Бухородаги ҳаёти, адабий фаолияти, Бухоро адабий муҳитга қўшган ҳиссаси ўрганилган, Бухорода ёзилган айрим шеърлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Бухоро адабий муҳити, Чўлпон, Фитрат, адабиёт, шеърят, “Бухоро ахбори”, матбуот, театр, ”Халқ” шеъри, миллат, мустамлака, озодлик

**Аннотация:** В статье рассказывается о жизни и литературной деятельности Чолпона в Бухаре, его вкладе в литературную среду Бухары, а также анализируются некоторые из его стихотворений, написанных в Бухаре

**Ключевые слова:** Литературная среда Бухары, Чўлпон, Фитрат, литература, поэзия, “Бухоро ахбори”, пресса, театр, поэма ”Халқ”, нация, колония, свобода.

**Annotation:** This article illustrates Cholpon's life and literary activity in Bukhara, his contribution to the literary environment of Bukhara, and analyzes some of his poems written in Bukhara.

**Keywords:** Bukhara literary environment, Cholpon, Fitrat, literature, poetry, Bukhara akhbori”, press, theater, the poem “Khalk”, nation, colony, freedom

XX аср дастлабки йилларида бошланган янги усулдаги адабий жараёнлар ўзига хос кўринишда янги ғоя ва қарашлар билан давом эттирилди. Ушбу давр Бухоро адабий муҳитида ўзбек адабиёти талабларига жавоб берадиган хусусият юзага келганини кузатиш мумкин. Бугунги кунда янги ўзбек адабиёти тарихига тамал тошини қўйган адибларимиз ҳаёти ва ижодини ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда

XX аср 20-йилларда Чўлпон шеърятини ўрганиш жараёнида уларнинг баъзилари Бухорода ёзилганининг гувоҳи бўлинди. Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат сингари Абдулҳамид Чўлпон ҳам Бухоро адабий муҳитига

бекиёс улушини кўшганлиги таҳлил этиш мазкур мақоламизнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Маълумки, ўзбек давлатчилиги тарихида Бухоро Халқ Совет Республикаси (1920 - 1924) даври муҳим босқичдир. БХСР тарихи кенг ўрганилаётган бўлсада (Раҳмонов.К. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида (1920-1924 йиллар). Т.:Абу матбуот-консалт, 2012. – 176 б; Ражабов.Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. –Т.: Маънавият, 2002. – 144 б; в.б) у даврдаги адабий муҳит ва унинг тарихий тараққиётга таъсири, адабий муҳит фаолияти намоёндалари билан боғлиқ масалалар яхлит ҳолда ўрганилмаган. Бизнингча, Чўлпоннинг публицистик мақолалари, фельетонлари, шеърларини ўрганиш орқали тарихнинг ушбу саҳифалари янада бой маълумотларга эга бўлади.

Янги ташкил қилинган республикада маданий муассасаларни йўлга қўйиш учун Туркистон АССРдан кўплаб вакиллар таклиф этила бошланади. Шунингдек, 1921-йилнинг апрел ойи ўрталарида Маннон Уйғур Бухорода театр труппасини ташкил қилишда иштирок қилиб, маданий жараёнларни кучайтиришга ҳисса қўшган. Шу йилнинг май ойи охирларида Бухорога таклиф қилинган Абдулҳамид Сулаймоннинг ташкилотчилигида Бухоро Давлат театри ташкил қилиш борасида ҳаракатлар олиб борилади. Бир қанча кичик труппалар бир театрга бирлаштирилиб, Маориф нозирлиги ихтиёрига ўтади ва давлат театрига асос солинади. Театрда Маннон Уйғур режиссёр, Чўлпон адабий маслаҳатчи бўлиб ишлаганлар.

Бухородаги ҳаёт фаолияти ўзининг журналист ва шоирлик маҳоратини ишга солиб адабий маданий жараёнларда иштирок қилганлиги ҳақида: О.Шарафиддиновнинг “Чўлпонни англаш”, А.Бозоровнинг “Чўлпоннинг Бухорода бўлиши”, М.Бурҳоновнинг “Чўлпон ҳақида”, Д.Қурононнинг “Чўлпон. Ҳаёти ва ижодий мероси”, Алиев С. Чўлпон наздида Бухоро //Бухоро ҳақиқати. 1997 йил 20 декабр, Н.Каримовнинг “Истиқлолни уйғотган шоир”, С.Йўлдошбековнинг “Чўлпоннинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти”, Ш.Ҳайитовнинг “Чўлпоннинг Бухородаги публицистик фаолияти”, Ҳ.Болтабоевнинг “Фитрат ва жаҳидчилик”,

К.Раҳмоновнинг “Чўлпон – “Бухоро ахбори” бош муҳаррири”, Б.Дўстқораевнинг “Чўлпон ва “Бухоро ахбори”, О.Сафаровнинг “Чўлпон Бухорода” каби мақола, рисола илмий монографиялар орқали ўрганиш мумкин [7].

Илк бора бухоролик журналист Абул Бозоровнинг матбуотда эълон қилган мақолалари Чўлпон ҳаётининг Бухородаги даврига ойдинлик киритади [3].

Шоирнинг Бухорога келиши ва фаолият даврига оид турлича қарашлар мавжуд. Жумладан, олим Наим Каримов “Лекин агар у (Чўлпон) Тошкентдаги илмий ижодий ҳаётдан мамнун бўлганда, айниқса, оилавий ҳаёти равон кечганда бизнингча “Бухоро ахбори” газетасига ишга бормаган бўлар, эҳтимолки, Фитрат ҳам уни чорламаган бўларди” [5]. Бу ўринда адабиётшунос олим Чўлпоннинг ҳаёти ҳақида хабар бериш билан бирга, айнан газетага муҳаррирликка келган деган бироз хато фикрни ҳам беряпти.

“Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатларига боғланган Чўлпоннинг умидлари саробга айланган бир вақтда Фитратдан таклиф келади. Амирлик тугатилгандан кейин умид кўзи билан боққан жаидлар ёш Республика Бухорога йиғила бошлайдилар. Улар Республикани мустаҳкамлаш билан бирга, Туркистон озодлиги учун курашни мақсад қилганлар. Булардан хабардор Чўлпон Фитратнинг таклифига розилик берган” - деган фикрни беради Д.Қуронов [8].

Б.Дўстқораевнинг фикрларига кўра, “Бухоро ахбори” газетасининг биринчи муҳаррири Муҳаммад Саид Аҳрорий Бухоро Халқ Совет Республикасининг Озарбайжондаги элчиси сифатида Бокуга кетиши маълум бўлгач, газета муҳаррирлигига Чўлпон таклиф этилади[4].

Таниқли олим Охунжон Сафаров Чўлпоннинг Бухорога келишини Фитрат Чўлпонни оғир вазиятдан қутқарди дейди ва унинг 1920 йил “Иштирокиюн” газетасида ёзилган мақолоасига эътибор қаратади[7].

Хуллас, қизғин фаолият билан шуғулланаётган Чўлпоннинг Бухорога келиши сабаблари манбаларда турлича акс эттирилган. Гарчи малакали мутахассислар етарли бўлмасада ҳаваскор труппалар томонидан турли

пъесалар намоёиш этилди [9]. Шуниси аёнки, Фитрат маданий жараёнларни жонлантириш учун Бухорога Маннон Уйғур, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Чўлпон каби адабиёт ва санъат намоёндаларини таклиф қилади. Туркистон АССР тўлалигича советлашиб, мустақиллик учун курашиш имкониятлари тобора мушкуллашиб бораётгани оқибатида, миллий ватанпарварлар Бухорога йиғила бошлайдилар. 1921 йилда “Турон” театрида фаолият юритган Чўлпон устози Фитрат билан ёнма - ён ишлашни ўзига маъқул кўрган бўлса керак. Бухорога келиш хотиралари Чўлпоннинг “Йўл эсдаликлари” очеркида акс эттирилган [4]. Гарчи Бухорога келиш таклифини қабул қилган бўлса-да, сафарбарлик арафасида турли ўйларга толган шоирнинг кайфиятида руҳий тушкунлик ҳолати кузатилади. Ҳатто, Бухорога келгач айрим туркистонликлар томонидан танқидга учраганлиги маълум бўлади. Ушбу танқидлар асосизлигини уқтирмақчи бўлган шоир ўзининг “Мен қочмадим” (*Тошкентдаги ўртоқларимга*) шеърини ёзади:

Мен қочмадим! – Нега мени “қочди” деб

Йўққа мунча шовқун – сурон қилдингиз? [2]

Чўлпон Бухорода, аввало, ёшлар ва аскарлар ўртасида маънавий-маданий, марифий жараёнларни ташкил қилишга киришади. Сўнгра газетада бош муҳаррир бўлиб ишлайди, бир муддат БХСРда маориф нозирлигида фаолият юритади. 1921 йил 27-майдан 1922-йил 20-мартга қадар Бухоро яшаб ижод қилади. Чўлпон Бухоро шаҳрида, Лаби ҳовуз яқинидаги Бозоригул гузарида Абдулазизхон мадрасаси ва Абдуллахон тими ўртасидаги Муҳаммадқул ҳовлисида яшайди [3]. Бухоро адабий муҳитида салмоқли ишларни бажарган шоир қизғин ижодий – марифий фаолият билан шуғулланди. Ўзининг адабий, ижтимоий-сиёсий қарашларини газета саҳифаларида чоп этилган шеър ва мақолаларида акс эттириш орқали, публицистик маҳоратини ҳам намоён қилади.

БХСР марказий ижроия қўмитаси органи сифатида чоп этилган “Бухоро ахбори” газетасининг 1920-йил 9-сентябрда илк сони чиқа бошлагандан Саид Аҳрорий муҳаррирлик қилган [4]. Саид Аҳрорий Бокуга кетгач, қизғин ижод

билан кўзга кўринган шоир Абдулхамид Чўлпон 1921-йил 30-июнь, газетанинг 41-сонидан мухаррирлик лавозимига келган [6].

Чўлпон Бухорога айнан газетада мухаррирлик учун келган деган фикрларга қаршимиз. У Бухорога бироз аввалроқ келган маданий марифий соҳани жонлантириш учун чорланган ва газета мухаррирлиги бўшаб қолганда у Бухорода бўлганлиги боис Фитратнинг таклифи билан ҳукумат раҳбари Файзулла Хўжаев шоирни мухаррирлик лавозимига тайин қилади. 1921-йил 30- июндан 1922-йил 15-январгача газета мухаррирлиги лавозимида ишлайди [5]. Бу газетанинг 41-67 сонлари Чўлпон раҳбарлигида дунё юзини кўрди дегани эди. Газетада мухаррирлик даврида у нашр олдига қўйидаги вазифаларни қўйган:

-газета халқ тушуниши қийин бўлган узун материаллар ўрнига кўпроқ хабарларни ёритади;

Газета муҳим воқеаларнинг моҳиятини англашиш учун шарҳ хусусиятидаги мақолалар чоп эттиради,

Матбуот халқнинг тили, дили сифатида иш кўради, газета ҳукуматнинг ҳам тилидир. Шунинг учун ҳукумат муассасаларида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида халққа маълумот бериб боради[4].

Муштарийларни маориф ва маданий соҳадаги янгиликлардан бохабар қилиш билан бирга шарқ ва ғарб мамлакатларидаги дунё воқеаларидан ҳам хабардор қилиб боришга ҳаракат қилган. Чўлпон мухаррир сифатида халқ манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйганлиги унинг газетада чоп этилган мақола ва шу даврда ёзилган шеърларида яққол намоён бўлади. Айниқса, адабиёт масалаларига алоҳида тўхталади газетанинг “Адабиёт” рукнида: 44 – сонида “Ағдарилиш”, 46-сонида “Халқ”, 54-сонида “Тарихдан”, 57-сонида “Сўз”, 58-сонида “Юрт йўли”, 60- сон “Адабиёт кечаси” номли мақолалари эълон қилинади[1].

Сиёсий – ижтимоий, ижодий-маданий фаолиятга оилавий муаммолар кўшилиб шоирни толиқтиради. Безгак билан оғриган адибни 1922-йил 4-январдан 5-февралгача Когондаги ҳарбий шифохонага ётқизадилар. Февраль

ойи ўрталаригача ётоқда қолгач газета фаолияти тўхтаб қолмаслиги учун адибни муҳаррирлик лавозимидан бўшатишга мажбур бўладилар.

Оғриқ қолди, қайғу олди, зор қолди,

Сунук кўзли бағри эзик ёр қолди.

Алам қолди, фироқ олди, қон олди,

Амал қолди... кўз ёшли жон қолди [1]

Сатрлардан ишқий ҳаётини тасвирлаш билан бирга “амал қолди” дея уч нукта қўйилишида муҳаррирлик амалидан айрилганлиги белгиси эди. Бу орада бемор ҳолида бир қатор шеърлар ёзади. Жумладан: “Кулмак истадинг”, “Ётоқдан”, “Қизариш”, “Оғриганда ...” номли шеърларини ёзади. Бу шеърлар маълум маънода шоирнинг ҳаёти ҳақидаги айрим нуқталар ҳақида маълумот беради. Адабиётшунос олим Н.Каримов ўз маърифий романида бу изтиробларни тўла очиб беришга ҳаракат қилган [5]. Чўлпон муҳаррирликдан кейин ҳам маълум вақт Бухорода қолади ва адабий маданий жараёнларда иштирок қилади.

Кейинги сафарида Абдулҳамид Чўлпон 1922-йил май ойида ҳам Бухорода бўлганлигини исботловчи далиллар сифатида шеърларига қарашимизга тўғри келди. “Барг”; “Эркинлик истаги” шеърлари остига “Бухоро, 1922 йил” деб имзо чекиди. Демак, бу шеърларни шоир Бухорода бўлган даврида ёзган [2;22].

Унинг Бухорога навбатдаги сафари 1923-йил “Нашри маориф” жамиятининг Бухоро бўлимини тузиш мақсади билан 28-апрелдан 8-май кунларигача тўғри келади. Шу кунларда ҳам ижоддан тўхтамаган шоир ўзининг “3-4 та юлдуз”; “Баландликда”; “Ўликларга қарши” (Хукумат томонидан шаҳар ичидаги қабрлар йўқотилиши муносабати билан) асарларини ёзган [2;22]. Бу шеърларида БХСРда кечаётган ижтимоий-сиёсий воқеаларга муносабати яққол англашилади. Бу шеърлар аслида совет сиёсатига қарши киноя билан ёзилган даъватлар эди. Шеърлари халқона кадриятларга, ўтмишга тажовуз қила бошлаган совет сиёсатига эътироз эди.

Адабиётшунос Наим Каримовнинг ёзишича, 1928 йил 18 май санасида драма труппа таркибида гастрол сафари билан Бухорода бўлган [5].

Адиб Бухорода бўлган кезларида ўзбек шеърятининг бой хазинасини тўлдиришга ҳисса қўшди. Бухоро адабий муҳитига янгича руҳ олиб кирди. Шоирнинг Бухорода ёзилган ва “Бухоро ахбори” да нашр қилинган биринчи шеъри “Ағдарилиш”[1] (Сочма шеър) амирлик тузуми ағдарилганлиги муносабати билан ёзилган. Сарой ва ҳашаматни қонга ва зулмга буркаб тасвирлаган адиб асосий этиборини “Асрлардан бери шу золим салтанати, шу хиёнат бурчакларини мактайдиган шоирлар, адиблар, чолғучи ва хофизлар” га қаратади.

Чўлпон шеърятдаги самимийлик, соддалик, ватанпарварлик ғояларининг уфуруб туриши адабий муҳитни безайди. Адиб Бухорода 2 та “Индамайсан”, “Ўринсиз фотиҳа” ҳикояларини ёзган[7]. Шоир сифатида Бухорода 18 та шеър ёзиб қолдирган бўлиб булардан қуйидаги 6 таси: “Оғдорилиш”, “Халқ”, “Тарихдан”, “Куз” (*Шоирнинг 1934 йилда ёзилган яна бир шу номдаги шеъри ҳам мавжуд. – А.А.қаранг [2]*), “Юрт йўли”, “Ўликларга қарши” - “Бухоро ахбори” газетасида чоп этилган [1]. Қуйидаги шеърлари эса Бухорода ёзилган турли тўплам ва матбуот саҳифаларида чоп этилган: “Клеопатра”, “Мен қочмадим”, “Кулмак истадинг”, “Ётоқдан”, “Қизориш”, “Оғриганда”, “Қиш кечалари”, “Еркинлик истаги”, “Уч тўрт юлдуз”, “Баландликда” [7].

Бизнинг тадқиқотлардан адибнинг Бухорода ёзган 17 та мақоласи аниқланди. Бухорода ёзилган шеърларидан англашиладики, Чўлпон ҳеч қачон совет воқелигини қабул қилолмаган, тузум билан муроСага боролмаган. Унинг чақириқларида доимо “бошдаги кўланка”дан қутулиш ғояси тарғиб қилинган. Чўлпон ҳаётининг Бухородаги даври қанчалар қисқа бўлмасин, маҳсулдорлиги билан алоҳида ўринга эга. Шоирнинг Бухородаги ҳаётини ўрганган адабиётшуносларнинг асарларидан, даврий матбуотдан фойдаланган ҳолда ёзилган ушбу тадқиқот ишимиздан аён бўлдики, халқ куйчисининг ҳали ўрганилмаган қирралари анчагина. Биз фақатгина унинг матбуотда берилган ва Ибн Сино кутубхонасида сақланаётган шеърларигагина мурожаат қилдик. Шоирнинг Бухородаги фаолиятида айрим саналардаги қоронғуликлар мавҳумлигича қолмоқда. Ҳозирча шоирнинг тўрт

маротаба Бухорога келганлиги маълум. Балки бундан олдин ва кейин ҳам келгандир, булар бизга қоронғу. Ушбу муаммоли вазиятларни ўрганиш кейинги тадқиқотлар олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон. Бухоро ахбори 44 –сон, 1921 йил 10 июль; 46-сон, 54-сон, 57-сон; 58-сон, 60-сон, 167–сон. 1923 йил 7 май
2. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон. Яна олдим созимни. -Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991. – 574 б;
3. Бозоров А. Чўлпоннинг Бухорода бўлиши,- //Бухоро ҳақиқати, 1992, 1 июнь; Катта талант эгаси. - Китобда:Чўлпон. Адабиёт надир. Тошкент: “Чўлпон”, 1994, 197-202-б;
4. Дўстқораев. Б. “Чўлпон ва “Бухоро ахбори”//“Тарихга муҳрланган 90 йил” тўплами, Бухоро нашриёти, 2010, - 296 б
5. Каримов.Н.“Истиқлолни уйғотган шоир”. Тошкент:Маънавият, 2000, -88 б
6. Раҳмонов.К. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида (1920-1924 йиллар). Т.:Абу матбуот-консалт, 2012. – 176 б;
7. Сафаров О. Чўлпон Бухорода. – Т.: “Мухаррир” нашриёти, 2012. –188 б;
8. Қурононов Д. Чўлпон. Ҳаёти ва ижодий мероси. Тошкент: ”Ўқитувчи“. 1997– 78 б.
9. Ўзбекистон тарихи (1917-1991) К.1.Ўзбекистон 1917-1939 йилларда / масъул муҳаррирлар Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов; - Тошкент “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. -560 б.